# ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Планнинг бажарилиши (процент ҳисобида)

| | жами | шу жумладан машинада | Районлар |
|---|---|---|---|
| **КОЛХОЗЛАР** | | | |
| 1. «Қизил Октябрь» | 25,48 | 15,39 | Чиноз |
| 2. «Партия XX съезди | 18,64 | 6,10 | Бўка |
| 3. Ниёзов номли | 18,39 | 2,31 | Янгийўл |
| 4. Карл Маркс номли | 18,23 | 3,87 | Чиноз |
| 5. «Октябрь 40 йиллиги» | 15,48 | 1,39 | Чиноз |
| 6. «ЎзССР 30 йиллиги» | 14,22 | 5,37 | Чиноз |
| 7. Навоий номли | 13,16 | 5,12 | Чиноз |
| 8. Киров номли | 13,05 | 5,69 | Чиноз |
| 9. Охунбобоев номли | 12,89 | — | Чиноз |
| 10. «Коммунизм» | 12,70 | — | Янгийўл |
| 11. Турсунқулов номли | 12,01 | 1,03 | Янгийўл |
| 12. Ленин номли | 11,67 | 0,19 | Янгийўл |
| 13. «Октябрь» | 16,97 | 1,10 | Янгийўл |
| 14. «Партия XXI съезди» | 10,60 | — | Янгийўл |
| 15. Навоий номли | 10,25 | — | Бекобод |
| 16. «Ленинобод» | 9,98 | 2,56 | Бўка |
| 17. «Москва» | 9,82 | 0,71 | Чиноз |
| 18. Свердлов номли | 9,35 | — | Пискент |
| 19. «Победа» | 9,31 | — | Бекобод |
| 20. Дзержинский номли | 9,28 | — | Бекобод |
| 21. Ленин номли | 9,27 | — | Бекобод |
| 22. Ҳамза номли | 9,21 | 4,89 | Бўка |
| 23. Охунбобоев номли | 8,62 | — | Пискент |
| 24. Партия XXII съезди | 8,34 | 0,69 | Оққўрғон |
| 25. Калинин номли | 8,20 | 2,31 | Янгийўл |
| 26. «Ленин йўли» | 7,98 | — | Ўрта Чирчиқ |
| 27. Энгельс номли | 7,66 | — | Чиноз |
| 28. Ҳамид Олимжон номли | 7,49 | 4,34 | Оққўрғон |
| 29. «Ленинизм» | 7,30 | 0,48 | Оққўрғон |
| 30. Навоий номли | 6,89 | 1,01 | Оққўрғон |
| 31. «Победа» | 6,77 | — | Ғалаба |
| 32. «Коммунизм» | 6,44 | — | Бекобод |
| 33. «Партия XIX съезди» | 6,28 | — | Бўка |
| 34. Ильич номли | 5,84 | 0,14 | Бўка |
| 35. «Ленинизм» | 5,80 | — | Бўка |
| 36. Ким Пен Хва номли | 5,80 | — | Ўрта Чирчиқ |
| 37. «Ленин йўли» | 5,76 | 0,96 | Бўка |
| 38. «Коммунизм» | 5,65 | — | Оққўрғон |
| 39. «Ленинобод» | 5,59 | — | Оққўрғон |
| 40. «Озод» | 5,55 | 0,19 | Оққўрғон |
| 41. Вотинцев номли | 5,44 | — | Оққўрғон |
| 42. Калинин номли | 4,81 | — | Пискент |
| 43. Тимирязев номли | 4,45 | 0,39 | Бўка |
| 44. К. Маркс номли | 4,43 | — | Бўка |
| 45. Охунбобоев номли | 4,13 | 1,18 | Оққўрғон |
| 46. «Гулистон» | 3,96 | — | Пискент |
| 47. Фрунзе номли | 3,72 | 3,24 | Бўка |
| 48. Энгельс номли | 3,68 | — | Ғалаба |
| 49. Тельман номли | 3,67 | — | Пискент |
| 50. Куйбишев номли | 3,67 | — | Оққўрғон |
| 51. Жамбул номли | 3,12 | — | Бўка |
| 52. Икромов номли | 3,04 | — | Ўрта Чирчиқ |
| 53. К. Маркс номли | 2,89 | — | Коммунистик |
| 54. «Ленинизм» | 2,82 | 0,43 | Янгийўл |
| 55. «ЎзССР 50 йиллиги» | 2,81 | — | Пискент |
| 56. Ленин номли | 2,61 | — | Пискент |
| 57. «Москва» | 2,48 | — | Ғалаба |
| 58. Мичурин номли | 2,21 | 0,48 | Бўка |
| 59. «СССР 60 йиллиги» | 1,73 | 0,71 | Янгийўл |
| 60. «Правда» | 1,59 | — | Коммунистик |
| 61. «Ўзбекистон» | 1,43 | — | Коммунистик |
| 62. «Ленинский путь» | 1,35 | — | Коммунистик |
| 63. Свердлов номли | 1,27 | — | Коммунистик |
| 64. Киров номли | 1,15 | — | Ғалаба |
| 65. Ҳамза номли | 1,01 | — | Ғалаба |
| 66. «Октябрь 40 йиллиги» | 0,98 | — | Бўка |
| 67. «Ленинград» | 0,89 | — | Ғалаба |
| 68. «Интернационал» | 0,87 | — | Янгийўл |
| 69. Ленин номли | 0,81 | — | Ғалаба |
| 70. «Заря коммунизма» | 0,67 | — | Ғалаба |
| 71. Димитров номли | 0,65 | — | Ғалаба |
| 72. Свердлов номли | 0,61 | — | Ўрта Чирчиқ |
| 73. Свердлов номли | 0,58 | — | Ғалаба |
| 74. Политотдел» | 0,58 | — | Коммунистик |
| 75. «Партия XXII съезди» | 0,48 | — | Ўрта Чирчиқ |
| 76. Ленин номли | 0,42 | — | Ўрта Чирчиқ |
| 77. «Коммунизм» | 0,41 | — | Бўка |
| 78. К. Маркс номли | 0,20 | — | Ўрта Чирчиқ |
| 79. «Северний маяк» | 0,12 | — | Ўрта Чирчиқ |
| 80. Энгельс номли | 0,07 | — | Ўрта Чирчиқ |
| **СОВХОЗЛАР:** | | | |
| 1. Колпакова номли | 20,00 | — | Бекобод |
| 2. «Партия XXIV съезди» | 17,94 | — | Чиноз |
| 3. Ойбек номли | 9,64 | — | Бекобод |
| 4. Бўка ўқув хўжалиги техникуми | 9,19 | — | Бўка |
| 5. «Ленинград» | 8,93 | — | Бекобод |
| 6. «Партия XXV съезди» | 7,21 | — | Бекобод |
| 7. «Авангард» | 6,16 | — | Бекобод |
| 8. «Далварзин» | 5,86 | — | Бекобод |
| 9. Мавлоном номли | 5,38 | — | Бекобод |
| 10. Сегизбоев номли | 4,33 | 3,97 | Оққўрғон |
| 11. «Кўк орол» | 2,81 | — | Бўка |
| 12. «Оққўрғон» | 2,23 | — | Оққўрғон |
| 13. «Кремль» | 2,21 | — | Бўка |
| 14. «Пискент» | 2,04 | — | Пискент |
| 15. Киров номли | 1,82 | — | Ғалаба |
| 16. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» | 1,19 | — | Ғалаба |
| 17. «КПСС XXVI съезди» | 0,93 | — | Пискент |
| 18. «Коммунизм» | 0,72 | — | Ғалаба |



▲ ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Р. Мусамуҳамедов номли совхознинг Ш. Асатов бошлиқ бригадаси боғбонлари мавжуд 36 гектар олмазордан 500 тонна ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Суратда: олма теришда бошқаларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилаётган Д. Жуманова.

А. Зуфаров фотоси.

# ҲАМИША БАРҲАЁТ

## Олим Хўжаев таваллудининг 75 йиллиги



ОЛИМ АКА хотирасини эслаш мен учун бениҳоя шарафлидир.

АТОҚЛИ санъаткор ҳақида қалам тебратиш, унинг порлоқ ижодига баҳо бериш мураккаб масала. Негаки, Олим Хўжаев нодир инсон, жуда камдан-кам учрайдиган истеъдод эгаси эди. Театр ва кино санъатининг йирик арбоби, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ҳамза номли отахон театрнинг асосчиларидан бири, унинг биринчи актёрларидан. Бу санъаткорнинг ижоди жуда бой тарихга эга, маҳорати ҳам бекиёсдир.

Санъаткор ҳар бири достон бўладиган жуда кўп йирик саҳна образлари яратди. Унинг Гамлет, Навоий, Ҳамза, Юлий Цезарь, Қирол Лир, Карл Маор, Клаузен, Яго, Зобелин, Ходжич, Калаф, Комилов каби қатор образлари ўзбек театр тарихи зарварақларидан абадий жой олди. О. Хўжаев ўз санъатининг салмоғи билан ўша йилларда тилларда достон бўлган Аброр Ҳидоятов сафидан ҳақли равишда ўрин олган эди.

Олим Хўжаев саҳна шоири, билимдони ва мутафаккири эди. Унинг бутун туриш-турмуши, кўркам қадди-қомати, маъноли юз ифодалари, нозик ва ўйчан ҳаракатлари, туганмас таланти, биллурдай тиниқ овози гўё «Мен актёр бўлиб туғилганман» деб турарди. Унинг образлари ўзининг психологик товланиши, нозокати, ҳаётийлиги ва бадиий таъсир қуввати билан томошабинларни ром этарди.

Олим Хўжаев Навоий образини қарийб 30 йил бир ўзи ўйнади. Истеъдодли актёр бу масъулиятли ролнинг энг асосий ижрочиси бўлиб қолганди. Унинг Навоийсини 50—70-йилларда кўрмаган томошабинлар бўлмаса керак. Санъаткор бу ролни ўйнаган куни томоша зали ҳар вақт лиқ тўла, унда қандайдир кўтаринки кайфият ҳукмрон бўларди. Чунки улар саҳнада худди Навоийнинг ўзини кўргандек бўлишарди.

Образ билан актёр санъатининг бир-бирига сингиб кетиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Олим ака билан Навоий образи шундай бирликни ташкил қиларди. О. Хўжаевнинг ўзи ҳам тирик Навоий бўлиб қолганди. Кўз ўнгингизда улуғ аллома, маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган халқнинг буюк фарзанди намоён бўларди. Негаки, актёр Навоий образининг ўзига хос талқинини топганди. Шу билан бирга у бу образ ижросида Аброр Ҳидоятов анъаналарини ҳам ижодий давом эттирарди. Олим Хўжаев атоқли шоир фожиасини янада чуқурроқ очиб берганди. Томошабинлар спектакль давомида буюк Навоийнинг шоирона қалбини, инсонпарварлигини ва ижтимоий фаолиятини чуқур ҳис этарди. Саҳнада буюк шахс, халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган улуғ инсон, улкан истеъдод гавдаланарди. Актёрнинг Навоий забонидан айтиладиган ҳайратомуз сўз ва шеърлари бениҳоя нафис ва ўткир бадиий кучга эга бўлардики, беихтиёр томошабинларни маҳлиё этарди. Гоҳо одамлар Навоий ролини актёр ўйнаётганини эсдан чиқариб қўярдилар. Бундан беш аср муқаддам яшаган Навоий овозининг яна жаранглаётганини катта ҳис ва туйғу билан эшитардилар.

Ахир буюк тарихий шахснинг сиймосини бутун моҳияти билан гавдалантириб бериш, уни томошабинларнинг севган образига айлантириш учун неча йиллар, қанча уйқусиз тунлар керак бўлади, ахир?! Бунинг учун актёр нақадар потенциал талантга эга бўлиши керак. Олим Хўжаев шундай мўъжиза кучига, маънолар хазинасига эга бўлган истеъдод эди. Афсуски, у моҳирона яратган Навоий образини ўзи билан олиб кетди. Бу образни яратишда бир қанча актёрлар ижод қилганлар. Бироқ Навоий образининг юксак бадиий ифодасини топишда Аброр Ҳидоятовдан сўнг Олим Хўжаевга тенг келадигани йўқ эди.

Олим аканинг Гамлети ҳам томошабинларнинг энг севимли образларидан бўлиб қолганди. Театр тарихида ҳамма ижрочиларга (ҳатто энг моҳир актёр бўлса ҳам) Шекспирнинг Гамлет, Отелло, Цезарь, Лир каби шоҳ образларини талқин қилиш насиб бўлавермаган. Актёр Шекспир дунёсига кириши учун қандайдир ўзига хос шекспирона истеъдодга эга бўлиши керак. Бундай актёрлар ўзбек театрида ҳам кўп эмас. Театримиз тарихида Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев Шекспир актёрлари, яъни романтик актёрлар деб эътироф этилгандир.

1939 йилда Олим Хўжаев биринчи марта Гамлетни саҳнага олиб чиққанда, ёш ва хушбичим Гамлет пайдо бўлгани кўзга яққол ташланарди. У Аброр Ҳидоятовнинг моҳирона яратган Гамлетидан ўзига хос хусусиятлари, яъни нафислиги, нозик ифода шаклига эгалиги, ички эҳтиросининг кучлилиги, интеллектуаллиги билан ажралиб турарди. Унинг Гамлети ўз замонасининг илғор вакили, уйғониш даврининг намояндаси сифатида талқин қилинганди. Бу унинг ташқи қиёфасида ҳам, одамларга бўлган муносабатида ҳам, ўз мулоҳазаларини изҳор этишида ҳам яққол сезилиб турарди. Унинг монологлари жўшқин ва ҳаяжонли жарангларди. Олим Хўжаевнинг Гамлетида қандайдир кишиларни ўзига жалб қилиб оладиган кўзга илинмас бир куч бор эди. Спектакль бошланиши биланоқ томошабинлар Гамлет фожиалари билан яшай бошларди, унинг изтиробларига шерик бўларди. Айни пайтда Олим Хўжаев Гамлети хаёлпараст ёки заиф эмасди. У атрофни ўраб олган хиёнат, иллатларга тўлиб тошган дилозор фалакнинг зарбалари қошида тиз чўкмасди. Аксинча, ўзининг фош қилувчилик қуролини дадил кўтарарди. Аммо бу курашда ёлғиз эканлигини сезган Гамлетни қайғу ҳисси чулғаб оларди. Шу дақиқаларда у томоша залига бир назар ташларди. Худди залдагилардан мадад қидиргандек бўларди. Шундай пайтларда томошабинлар ҳам Гамлет қалбига кирардилар, унинг адолат учун курашига шерик бўлардилар. Олим аканинг 35 йиллик ижодининг ҳамроҳи бўлган Гамлет томошабинлар учун ҳам бениҳоя қимматли эди.

Олим Хўжаев ўз соҳасининг билимдон кишиларидан эди. У театр санъатининг назарийёти ва амалиёти ҳақида бир қанча мақолалар ёзган. Уларда актёрлик санъати реализмининг принциплари, ижобий қаҳрамон яратиш проблемалари, саҳна санъати равнақи тўғрисида оригинал фикрлар илгари сурилган эдиким, бу билан у театр фанига ҳам маълум даражада ҳисса қўшганди.

Олим Хўжаев йирик жамоат арбоби ҳам эди. У бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди. СССР Давлат мукофоти комитетининг аъзоси, узоқ йиллар Ўзбекистон ССР Театр жамиятининг раиси бўлиб ишлади. Бу йилларда унинг театр санъати соҳасидаги фаолияти кенг тус олди. Ўзбек театрининг жонкуяри сифатида саҳна санъати ва драматургия масалалари, уларнинг ривожи тўғрисида жуда кўп қайғурар ва бош қотирарди. У кишини театрларда бирон-бир ярқ этган ютуқлар чексиз қувонтирар, камчиликлар эса ниҳоятда ранжитарди.

Кўп ўтмай Олим Хўжаев Ҳамза театрининг бадиий раҳбари ва директори қилиб тайинланди. Албатта, кексайиб қолган Олим ака учун бу жуда мураккаб ва масъулиятли вазифа эди. Шунга қарамай, у театр ишларини яхшилашда, унинг мавқеини кўтаришда анча унумли ишларни амалга оширди. Отахон театрнинг репертуарида йирик ва салмоқли, бадиий юксак спектакллар яна пайдо бўла бошлади. Санъаткорнинг ўзи бош ролларда ўйнаган «Антигона», «Альенди» каби спектакллар ана шу даврда вужудга келди. Уларда Олим ака театр тарихида воқеа бўладиган романтик образлар яратди.

Бугун Олим ака таваллудига 75 йил тўлган кунларда шуни қайд қилиш керакки, ўзининг оташин ижодини халқ ҳаёти билан узвий боғлаган, санъатнинг партиявийлик принципига доим амал қилган, бутун онгли ҳаётини ўзбек маданияти тараққиётига бахш этган санъаткорнинг хотираси қалбимизда абадий сақланади, унинг номини ҳамиша чуқур ҳурмат билан тилга оламиз.

**Мамажон РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, санъатшунослик доктори.**

## САВДО ХИЗМАТИ

### ДАЛАГА КЎЧДИ

ДАЛА меҳнаткашлари учун масъулиятли дамлар бошланган ҳозирги кунларда Янгийўл районидаги «Ленинизм» қишлоқ матлубот жамияти ходимлари савдо хизматини бевосита пахтазорларга кўчиришди. Матлубот жамиятининг Ленин номли, «Коммунизм», «Ленинизм», «СССР 60 йиллиги» колхозлари аҳолисига хизмат кўрсатувчи 47 та озиқ-овқат ва саноат моллари магазини йиғим-терим қизғин бошланганлиги муносабати билан иш режимини пахтакорларга қулай тарзда ўзгартирди.

Йўлдош Мўминов, Аҳмад Бакиров бошқараётган 2 автолавка белгиланган график бўйича ҳар куни хўжаликларнинг дала шийпонларида савдо қилмоқда. Бундан ташқари ҳамма колхозларнинг дала шийпонларида сотувчисиз дўконлар ташкил этилган.

**З. ҲАЙДАРОВА.**

## СУРУНКАСИГА

### ҒОЛИБ

А. ХОЛМАТОВ бошчилигидаги бригада Олмалиқ гилам фабрикасининг ташаббускор коллективларидан саналади. Бригада азаматлари доимо изланишда, ишлаб чиқариш илғорларининг олдинги сафларида борадилар.

Йил бошида бригада икки кун тежалган хом ашё ҳисобига меҳнат қилиш ташаббусини шаҳарда биринчилар қатори бошлаб берган эди. Бугунги кунда улар ўз ваъдаларини шараф билан уддаламоқдалар.

КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунликлар эълон қилиниши биланоқ бу аҳил коллектив яна ишда ўзини кўрсата бошлади. Ўн кунлик ва ойлик топшириқлар зиёдаси билан бажарила бошланди. Яқинда навбатдаги ўн кунликка якун ясалганда А. Холматов бошлиқ бригада сурункасига учинчи марта ғолиб деб топилганлиги қайд этилди.

**О. ХУШНАЗАРОВ.**

## ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШГА—ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

# ЎТГАН ЙИЛДАГИДАН КЎП

БЎКА районидаги «Кўкорол» совхозида чорвачилик қолоқ тармоқ эди. Кейинги йилгача хўжаликка бу соҳа кўплаб иқтисодий зарар келтирди. Қорамолларнинг, соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги анча паст бўлди. Буни совхоз мутахассислари жуда яхши билишарди. Шунинг учун ҳам ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида чорвачиликни жадал ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олинди.

Биринчи галда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш бош вазифа қилиб қўйилди. Бу бежиз эмас. Ўтган йили қиш қаттиқ келиб, озуқа етишмаслиги туфайли қорамоллар базўр қишловдан чиқариб олинди. Бунинг таъсири ҳалигача билиниб турибди.

Сабоқлардан тегишли хулоса чиқарган хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ем-хашакни кўпайтиришга алоҳида эътибор бера бошладилар. Озуқа учун унумдор тупроқли ерлар ажратилди. Алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилди. Айниқса, бу иш билан махсус бригадалар шуғуллана бошлагач кескин силжишга эришилди. Буни рақамлардан ҳам кўрса бўлади.

Совхозда шу кунгача қишлов учун пландаги 3920 тонна ўрнига 4150 тоннадан ортиқ дағал хашак тайёрлаб қўйилди. Жамғарилган озуқалар сифатли сақланмоқда. Айни пайтда силос бостириш қизғин давом этаяпти. 200 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 350 центнердан ошириб кўк масса ўриб олинаётир.

— Ҳар бир ишга масъулият билан ёндошилса муваффақиятга эришиб бўлар экан, — дейди озуқа етиштириш бригадаси бошлиғи Юсуф Отаев. — Бригадамиз ишчилари бедазорлар парваришини намунали ташкил этдилар. Ўз вақтида суғорилган, озиқлантирилган ерлардан тўрт марта пичан ўриб олдик. Биз дағал хашакни пресслаб, сўнг ғарамладик. Шундай қилинганда озуқадаги қимматли витаминлар яхши сақланади.

Совхозда бедазорлар майдони биргина 1985 йилда 170 гектарга кенгайди. Келгуси йилдан бошлаб оралиқ экинлар етиштиришга ҳам жиддий киришилади. Бир сўз билан айтганда «Кўкорол» совхозида чорвачиликни яқин йиллар ичида рентабелли тармоққа айлантириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

**О. ҲАМРОЕВ.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## СЎНГГИ СОАТДА

### ВАШИНГТОН

Бу ерда «Ядро урушининг медицина оқибатлари» мавзуида уч кун давом этган халқаро илмий конференция ўз ишини тугатди. Конференцияда АҚШ, СССР, Англия, Япония, Швеция ва бошқа мамлакатларнинг йирик мутахассислари қатнашдилар. Ҳамма ютуқларда ядро можароси ер юзида ҳаёт учун ҳалокатли оқибатлар келтиради, унинг олдини олиш учун одамлар имкони бўлган барча ишларни қилишлари керак, деган фикр асосий ўринни эгаллади.

### НЬЮ-ЙОРК

Бостонда Вашингтоннинг Марказий Америкадаги агрессив сиёсатига қарши оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Унда Массачусетс штатидаги турли сиёсий, ижтимоий, касаба союз ва диний ташкилотларнинг намояндаларидан 2,5 мингдан ортиқ киши қатнашди. Бу намойиш билан АҚШнинг Марказий Америкада ҳарбий аралашувига қарши умуммиллий ҳафталик бошланди. Унинг қатнашчилари Никарагуа халқи билан бирдам эканликларини билдирдилар. Қўшма Штатлар маъмурияти Никарагуа халқига қарши эълон қилинмаган урушни давом эттирмоқда.

### ПАРИЖ

Франция Бош министри Л. Фабиус Янги Зеландиянинг Окленд портида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тарафдорлари бўлган «Гринпис» халқаро ташкилотига қарашли «Рейнбоу уорриор» кемасини ботириб юборганлиги учун жавобгарлик Франция махсус хизмат агентлари зиммасига тушишини тан олди. Л. Фабиуснинг сўзларига қараганда, улар «буйруққа мувофиқ» ҳаракат қилганлар.

### КАНБЕРРА

Янги Зеландия Бош министри Д. Лонги француз маъмурларининг ҳаракатини қоралади. Уларнинг буйруғи билан Янги Зеландиянинг Окленд портида «Рейнбоу Уорриор» кемаси портлатиб, чўктириб юборилган. Бу қўпорувчилик ёрдамида Париж тинчлик тарафдорларининг Тинч океанда Франциянинг ядро синовлари ўтказишига қарши норозилик чиқишларини барбод қилишга уринди. Франция Бош министри Фабиус кемани портлатиш учун жавобгарлик «буйруққа мувофиқ» ҳаракат қилган француз махсус хизмати агентлари зиммасига тушишини тан олди. Янги Зеландия ҳукумати бошлиғи бу диверсияни давлат терроризми деб таърифлади.

### СТОКГОЛЬМ

Швеция тинчлик тарафдорлари ичида «Томагавк» ядровий қанотли ракеталари бўлган Американинг «Айова» линкори бу бетараф мамлакат сувларига киришини тақиқлаб қўйишни ҳукуматдан талаб қилдилар. АҚШ Ҳарбий Денгиз кучларининг бу катта ҳарбий кемаси НАТОнинг Болтиқ денгизидаги ҳарбий-денгиз машқларида қатнашади ва Эресунн қўлтиғида Швеция сувлари орқали ўтишни мўлжаллаяпти. Швециялик тинчлик учун курашчилар ҳукуматни мамлакатнинг ички сувларига ядро қуроллари бўлган Америка кемалари киришини тақиқлаб қўйган Янги Зеландия маъмурларидан намуна олишга чақирдилар.

(ТАСС, 23 сентябрь).

## ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

**БАҒДОД,** 23 сентябрь. **(ТАСС).** Ироқ Бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотига кўра, кейинги 48 соат мобайнида Ироқ артиллерияси, танклари ва миномётлари Басрадан шарқроқдаги районда душман позицияларига зарба бериб, унинг одамлари ва техникасини тор-мор келтирган. Бир қанча ўқ-дори омборлари портлатиб юборилган, реактив қурилма, 12 та ҳарбий юк машинаси ёндириб ташланган.

**НИКОСИЯ,** 23 сентябрь. **(ТАСС).** Эрон президенти А. Хаменеи Ироқ шаънига огоҳлантириш билан чиқди. Башарти Ироқ авиацияси нефть объектларига хужум қилишини тўхтатмас экан, Эрон Ормуз бўғозини тўсиб қўяди деб айтди у. Форс кўрфазидаги барча мамлакатлар ўз нефтини ана шу бўғоздан экспорт қилади.

Эроннинг Ирна ахборот агентлиги хабар қилишича, кейинги кеча-кундузда Эрон қўшинлари фронтнинг марказий участкасида душманга хужум қилганлар. Жангда 150 дан кўпроқ Ироқ ҳарбий хизматчиси ўлдирилган ва ярадор қилинган, турли ҳарбий объектлар яксон қилинган.

Ироқнинг узоққа отадиган артиллерияси Эроннинг Ободон порт шаҳрини ўққа тутган.

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ДАМАШҚ. Кўпчилик давлат муассасаларига бериладиган пулни энг оз даражага қадар камайтиришга қарор қилинганлиги Тель-Авив ҳукуматининг «иқтисодий аҳволни барқарор қилиш фавқулодда программаси» доирасида босган навбатдаги қадами бўлди. Қаттиқ иқтисод режими Исроилнинг ғоят катта ҳарбий машинасига дахл этмай мактаблар, касалхоналар ва маҳаллий ҳокимият органларига тааллуқли бўлди. Кейинги икки кун ичида, деб хабар беради «Ас-Савра» газетаси, давлат даволаш муассасаларининг синганлиги муносабати билан Тель-Авив, Хайфа, Қуддусдаги ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги бир қанча касалхоналардан 1500 нафарга яқин оғир аҳволдаги бемор кўчага улоқтириб ташланди. Яна бир неча минг беморнинг тақдири ҳам худди шундай бўлади. Шу программа доирасида сентябрнинг дастлабки икки ҳафтаси ичида министрликлар, шаҳар маҳкамалари ва бошқа муассасаларнинг 8 мингга яқин собиқ хизматчиси ишсизлар сафларига бориб қўшилди. 20 тадан кўп давлат мактаблари ёпиб қўйилди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг ижодкор зиёлилари мамлакат миллий бирлигини мустаҳкамлаш, унинг суверенитетини ҳимоя этиш ишида муҳим роль ўйнаши керак. Умумҳиндистон кичик ва ўрта газеталарнинг федерацияси бу ерда ташкил этган симпозиум қатнашчилари шу гапни айтдилар.

**(ТАСС, 23 сентябрь).**



**ГФР. Гамбургда бўлиб ўтган ушбу намойишга гитлерчилар ўлим лагерларининг собиқ маҳбуслари (суратда) чиқдилар. Улар бу билан тирикларга фашизм қуллигида ва урушда бошидан кечирган даҳшатларини эслатдилар. Мамлакатнинг прогрессив кучлари ҳозир ГФРдаги аҳволдан чуқур ташвишга тушмоқдалар. Неофашистлар маъмурларнинг лоқайдлигидан фойдаланиб, ўз фаолиятларини активлаштирмоқдалар.**

**ТАСС фотохроникаси.**

## БРИГАДА ПУДРАТИ САМАРАСИ

Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективларининг 70 проценти бригада пудрати асосида ишламоқда. Бу усулда меҳнат қилаётган Сайфулла Губайдуллин ва Бахтиёр Нурматовлар етакчилигидаги бригадалар, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу коллективларда меҳнат унумдорлиги кейинги пайтларида 25 процентга ўсди.

Бирлашмада меҳнатни илмий ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимларнинг 80 проценти шу асосда меҳнат қилишга жалб этилган. Бундан келадиган иқтисодий самара 40 минг сўмни ташкил этмоқда.

Шу кунларда бирлашманинг бош цехида гранит майдалаш линиясининг монтаж ишлари олиб борилмоқда. Бу линия йилига 6 минг квадрат метр гранит майдалаш имконини беради.

Бу тадбирларнинг барчаси бирлашма коллективининг ишлаб чиқариш планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришига қаратилгандир.

**Б. АЛИХОНОВ.**

